
Риштонда чигит экиш бошланди

Кеча туманимизда чигит экиш ишларини сифатли ташкил этишга қаратилган семинар бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, туман ҳокими, туман сектор раҳбарлари тажрибали фермерлар, соҳада кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар иштирокида дуолар қилиниб, "Рошидон дарвони" фермер хўжалиги дала майдонида ерга уруф қадаш ишлари бошланди. Дастлаб ҳудудлар учун танланган пахта навлари, фойдаланиш кўзда тутилган кимёвий препаратлар кўздан кечирилди. Деҳқон қаноти бўлган техникалар шайлиги ва ҳолати ўрганиб чиқилди. "Кузда пахтамикс яхши бўлиши чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан, сифатли ва муддатида ўтказишга боғлиқ", деди вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров. - Бу йил хорижда ишлаб чиқарилган, юқори самарадорликка эга техникалар кучидан унумли фойдаланилади. Риштонда чигит экишга бўлган муносабат мени хурсанд қилди. Техникалар шай, отрядлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Чигит экиш икки сменада ишлар олиб борилади. Чигит тайёрлаш шахобчаларига бевосита кластерлар раҳбарлари жавоб беради. Уларда мутахассислар, агрономлар ишлаши таъминланади. Чунки, чигит тайёрлаш ҳам муҳим тадбир ҳисобланади. Вилоят раҳбари, ташкил этилган отряд аъзоларига, механизаторларга ишбай ҳақ тўланиб, уларга барча қулайликлар яратилиши ва меҳнатлари мунтазам рағбатлантирилиб борилиши лозимлигига ҳам алоҳида урғу берди. Кўргазмали семинар якунида бир гуруҳ фаолларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди. Маълумот учун бу йил Риштон туманида 6150 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган.

2021-03-24 06:53:28